"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Навоий вилояти чавондозлар
мактаби директори
____________ И.Азизов
"___" ________ 2022 йил

# Сотувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Навоий -2022

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Навоий вилояти чавондозлар мактаби учун керак буладиган зарур Миллий эгар етказиб бериш.

Танловнинг юкори қиймати – **15 000 000 (Ун беш миллион )** сўм . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун ичида.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Навоий вилояти чавондозлар мактаби** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - р

“Буюртмачи” манзили: Навоий вилояти, Навоий шахар, Спутник кургони.

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Навоий вилояти чавондозлар мактаби** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:-

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб

юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Навоий вилояти чавондозлар мактаби директори танлов комиссияси раиси
__________ И.Азизов
«___» __________ 2022 йил

Навоий вилояти чавондозлар мактаби учун керакли инвентарларни етказиб бериш бўйича

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| Т/р | Асосий маълумот | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1. | Объект номи: | Навоий вилояти чавондозлар мактаби |
| 2. | Буюртмачи | Навоий вилояти чавондозлар мактаби |
| 3. | Буюртмачи учун асос | Навоий вилояти чавондозлар мактабига отлар учун зарур инвентарлар етказиб бериш , зарурий талабларга кура |
| 4. | Обьектнинг жойлашган манзили | Навоий шахар Спутник кургони |
| 5. | Қатнашувчи учун талаблар | Навоий вилояти чавондозлар мактабига отлар учун зарур инвентарлар етказиб бериш , зарурий талабларга кура |
| 6. | Тижорат таклифини такдим этиш шарттлари | 1.Танловда қанашувчи корхона гувохномаси ва устави,Бухгалтирия баланс 1-шакл,Молиявий натижа 2-шакл тасдиқланган ҳолда<br>2.Коррупцияга карши талаблар.684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт.Кафолат хати<br>3.Танловда иштирок этувчи фирма танловга қўйилган тавор сертифика Махсулотга расмий ишлаб чикарувчининг сертификати мавжудлиги<br>4.Танловда қатнашувчи корхонани 1 (бир) йиллик банкнинг айланма маблағлар тўғрисида маълумотномаси тасдиқланган ҳолда<br>5.Талабгорнинг танловга куйилган махсулотларни омборида мавжудлиги тўғрисида кафолат хати тасдиқланган ҳолда.<br>6.Махсулотга бериладиган кафолат муддати тасдиқланган ҳолда кафолат хати.Ишларни бажариш муддатини кискартириши ишнинг сифатида акс этмаслиги лозим.<br>7.Танловда иштирок этадиган корхонанинг солиқ ва бошқа давлат идоралардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумот |

| | | |
|---|---|---|
| | | |
| 7. | Бажарилган ишларни ҳисоб-китоби | Олдиндан 30% ва ишлар бажарилган кейин тақдим этилгансчёт фактурага асосан 70% тўлов |
| 8. | Ишни бажариш муддати | 2022 йил 30 сентябргача |
| 9. | Теххника хавфсизлиги бўйича талаблар | Ишларни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига ва нормаларига роия этиш шарт. |
| 10. | Молиялаштириш манбаи | Бюджет маблағлари ҳисобидан |
| 11. | Шартнома тили: | Ўзбек тили. |

**Етказиб бериладиган товар руйхати**

| № | Номи | Улчов бирлиги | Нархи | Микдори | Сумма | Параметри |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Миллий эгар | дона | 7 500 000 | 2 | 15 000 000 | Седло комплект 1. Передняя лука. 2. Перехват (самая узкая часть). 3. Сиденье. 4. Задняя лука. 5. Подушки. 6. Держатель для путлища. 7. Подпруга. 8. Стремя. 9. Путлище. 10. Крыло. 11. Шнеллер. 12. Крылышко, закрывающее шнеллер.( натуральная кожа) Вес: 12 кг |

**Мактаб директори:** **И.Азизов**